

## Таровеҳ намози



17:00 / 27.02.2025 37487

«Таровеҳ» луғатда «ором олдириш, дам бериш» маъноларида келган «тарвеҳа» сўзининг кўплик шаклидир. Истилоҳда Рамазон ойида хуфтоннинг суннати ва витр намози ўртасида ўқиладиган намозга нисбатан ишлатилади. Намознинг ҳар тўрт ракатидан сўнг тўхтаб, дам олингани учун «таровеҳ» деб ном берилган.

Таровеҳ намози йигирма ракъат бўлиб, эркак-аёллар учун суннати муаккададир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳдан савоб умид этиб, Рамазон намозини (таровеҳни) ўқиса, олдинги гуноҳлари кечирилади», дея марҳамат қилганлар (*Бухорий, Муслим ривояти*).

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу халифа бўлгач, одамларни тарқоқ ҳолда таровеҳ намозини адо этишаётганини кўриб, бу намозни яна жамоат билан ўқишни жорий қилди (*«Муваддо», 84*). Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу ҳам:

«Умар масжидларимизни таровехнинг файзи ила нурлантирганидек, Аллох ҳам Умарнинг қабрини шундай нурлантирсин», дея дуо қилиб, бу ишдан мамнун бўлганларини билдирган.

Абдурраҳмон ибн Абд Қорийдан ривоят қилинади: «Бир кеча Рамазонда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу билан бирга масжидга чиқдим. Қарасак, одамлар тарқоқ, гуруҳ-гуруҳ: кимдир ёлғиз ўзи намоз ўқияпти, кимдир намоз ўқимоқда-ю, бир гуруҳ одам унинг намозига эргашиб намоз ўқияпти. Шунда Умар: «Менимча, агар буларни битта қорининг ортидан жамласам, ниҳоятда гўзал бўлар эди», деди. Сўнгра азм қилиб, уларни Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳунинг ортига жамлади. Кейин бошқа бир кечада яна у билан чиқдим. Одамлар ўз қориларининг намозига эргашиб намоз ўқишар эди. Умар: «Бу қандай яхши бидъат! Улар ухлайдиган пайт тунги ибодат қиладиган пайтларидан (ибодат учун) афзалдир», деди. У кечанинг охирини назарда тутаётган эди. Одамлар эса унинг аввалида тунги ибодат қилишар эди» *(Бухорий ривояти)*.

Бу ривоятдан маълум бўладики, саҳобаи киромлар Рамазон кечаларини Қуръони Карим тиловати билан, уни намозда қироат қилиш билан ўтказар эканлар.

Мулоҳаза: Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг «Бу қандай яхши бидъат!» деган гапларини уламолар икки хил тушунганлар:

а) Луғавий маънода, яъни «Бу қандай яхши янгилик бўлди» деган мазмунда.

б) Истилоҳий маънода, яъни асли шариатга мувофиқ бўлган, Китобу суннатдан балқиб чиққан янги амал – «бидъати ҳасана» маъносида.

Ҳазрати Умар, ҳазрати Усмон ва ҳазрати Алий розияллоҳу анҳум даврларидан бошлаб, ҳозирги кунгача таровех намози йигирма ракъат ўқилади. Саҳобалардан ҳеч ким бунга эътироз билдирмаган, уламолар тарафидан ҳам шу шаклда ўқиш қабул қилинган.

### **Ҳукми**

Рамазон ойида таровех намозини ўқиш эркак ва аёлларга суннати муаккададир. Таровех намозини жамоат билан ўқиш суннати кифоядир.

### **Вақти**

Таровеҳ намози хуфтон намозининг суннатидан сўнг витр намозидан олдин ўқилади.

### ***Нияти***

«Таровеҳ намозини (ё шу вақтнинг суннاتини) юзимни Каъбанинг бир томонига қилиб, холис Аллоҳ учун ўқишни ният қилдим», деб кўнглидан ўтказилади.

### ***Ракъатлари сони***

Таровеҳ намози йигирма рақъатдир. Ҳар икки рақъатдан сўнг салом берилади.

Ҳар тўрт рақъатдан сўнг, яъни икки саломлан кейин ҳамда витр намозидан олдин тўрт рақъат намоз ўқиш миқдорича дам олинади. Дам олишда, истаса, тасбеҳ ё таҳлил айтади ё жим ўтиради. Тасбеҳ айтиш мустаҳабдир.

Таровеҳ намозининг ҳар икки рақъатининг биринчи рақъатида имом ва қавм сано ўқийди. Имом тааввуз ва тасмия айтади. Руку ва сужуд тасбеҳлари учтадан айтилади. Қавма ва жалсага риоя этиш суннатдир.

### ***Қироати***

Барча намозларда, жумладан, таровеҳ намозида ҳам қироатни тажвид талабларига мувофиқ қилиш фарздир. Қироатда овоз гўзаллиги эмас, унинг тўғрилиги муҳимдир. Шунинг учун қироатни тўғри қилувчи киши имомликка ўтказилади. Таровеҳ намози давомида Қуръони Каримни бир марта хатм қилиш суннатдир. Салаф уламоларимиз, Лайлатул қадр умидида Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечаси таровеҳида хатм қилишни мақбул кўришган. Бунинг учун Қуръони Карим оятлари 540 рукуга тақсим этилиб, мусҳафларга белги қўйилган.

Барча намозлардаги каби таровеҳ намозида ҳам жамоатнинг кўплиги афзалдир. Шунинг учун имом таровеҳ намозида жамоат тоқатига мувофиқ миқдорда қироат қилиши лозим. Мутааххир уламоларимиз жамоат тоқатидан келиб чиқиб, таровеҳ намозида бир узун ё уч қисқа оят ўқиш мумкинлигига, яъни Аср ва Ихлос каби сураларни ўқиш жоизлигига фатво беришган.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозим: таровеҳ намозида, жамоатга малол келади деган ўйда намознинг суннатлари асло тарк этилмайди. Салавот ўқилади. Салавотдан кейинги дуони ўқимаслик жоиз.

Рамазон ойи давомида витр намози таровеҳ намозидан сўнг жамоат билан ўқилади.

**«Фатавои Қозихон», «Мажмаъул фатво», «Раддул мухтор», «Дуррул мухтор», «Маслакул муттақин» китоблари асосида тайёрланди.**

**«Ҳилол» журналининг 3(36) сонидан**